



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 14 август, шанба • №66 (11.661) • Эркин нархда сотилади

Истиқлол иншоотлари



Янгийўл тумани меҳнат аҳли истиқлолнинг 13 йиллик айёмига муносиб совғалар тайёрламоқда. Қуриладиган кўплаб маданий-маиший иншоотлар баайни байрам куни ишга туширилиши мўлжалланмоқда.


«Ишонч» фермер хўжалиги, «Улкан» масъулияти чекланган қурилиш ташкилоти, Тошкент сув қурилиш трести, механизациялашган кўча колонна каби қатор ташкилотлар Янгийўл тумани ҳудудига қурилиш, таъмирлаш, қайта жило бериш билан шуғулланмоқда.

Ортиқов номли ширкат хўжалигидаги 15- ва 10-ўрта мактаблар улар томонидан таъмирланиб, 65 ва 30 миллион сўм маблағ сарф этилди. 7-боғчани замонавий кўринишга келтириш учун 6 миллион 200 минг сўм ажратилган. Бундан ташқари, Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 9-мактаб ҳамда Халқобод кўрғонидаги 4-боғчани ҳам Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Хусусий тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Жумладан, «Тинчлик» хўжалигидаги гузар мажмуаси тадбиркор Н. Шомирзаев ташаббуси билан қурилмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Улкан» масъулияти чекланган қурилиш ташкилоти бўёқчиси Фарҳод Эшқурбонов иш устида; (пастда, чапдан) ташкилот раҳбари Зокир Назаров, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Турсунов ва 10-мактаб директори Абдурахмон Абдумаров навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқдалар. Даврон АХМАД олган суратлар.



Бугун – умумхалқ ҳашари

Мустақилликнинг 13 йиллиги байрами кўтаринки руҳда ўтиши, унга пухта тайёргарлик кўриш, вилоятда санитария-эпидемиологик аҳволни янада яхшилаш мақсадида август ойи «Ободонлаштириш ва тозаллик ойи» деб эълон қилинган эди.

Ҳозир вилоятимиз шаҳар ва туманларида бу борада кенг кўламли вази-фалар амалга оширилмоқда. Жумладан, улуг байрам арафасидаги умумхалқ ҳашари бу жараёнга алоҳида мазмун бағишлайди.

Бугун — умумхалқ ҳашари. Вилоятимизнинг барча корхона ва ташкилотларида, муассаса ва хўжаликларида, турли дам олиш масканларию маҳаллаларда умумхалқ ҳашари кун бўйи давом этади.

Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, ҳашар муносабати билан бир

кунлик иш ҳақи микдоридаги маблағ алоҳида ҳисоб рақамига туширилади. Батафсил маълумот олиш учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг манзили ҳамда ҳисоб рақамини эълон қилмоқдамиз:

Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй.
Телефон: 133-61-75.

Ҳисоб рақами
20212000500132942001 МФО 00987.
«Галлабанк»нинг Тошкент вилояти минтақавий бўлими. СТИР 200548395
Умумхалқ ҳашарида
фаол иштирок этайлик!

Олимпиада машъаласи ёқилди

АФИНА. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ). 13 август куни Греция пойтахти Афина шаҳрида спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари бошланди.

Олимпиада ўйинлари илк мартаба эрамиздан аввалги 776 йилда Олимпия шаҳрида ўтказилган эди. Бу қадимий мусобақанинг замонавий кўринишига барон Пьер де Кубертен асос солган. Ҳозирги шаклдаги Олимпиада ўйинларига ҳам Афина мезбонлик қилган. 1896 йилнинг 6-15 апрель кунлари ўтказилган дастлабки ўйинларда ўн тўртта мамлакатдан 311 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашган.

Йиллар ўтиши билан Олимпиада ўйинлари ер қуррасининг барча қитъаларидаги мамлакатлар спортчиларини дўстона беллашувлар, мусобақаларга жалб қилди. Гарчи

Олимпиада ўйинларининг 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган белгиси – кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта халқа қадимги юнон ашёларидаги тимсоллардан олинган бўлса-да, бугунги кунда у Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралиани бирлаштириб турувчи ришта сифатида талқин қилинади.

Ўртасида бешта халқа тасвирланган Олимпиада ўйинларининг оқ байроғи тинчлик рамзидир. Зеро, Олимпиада ўйинлари чоғида уруш ҳаракатлари, қуролли тўқнашувлар тўхтатилгани сир эмас.

...XXI асрдаги илк Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими Афинадаги стадионда ўтказилди.

Одатга кўра, майдонга биринчи бўлиб Греция спортчилари чиқиб келди. Очилиш маросимининг энг қизиқарли қисми бўлган мазкур парадда иштирокчи мамлакатлар спорт делегациялари томошабинлар

олқишлари остида майдон бўйлаб саф тортди.

Ниҳоят, Ўзбекистон байроғи-ни баланд тутган халқаро тоифадаги спорт устаси, дзюдо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби, Осиё чемпиони, жаҳон универсиадаси ва

жаҳон чемпионати совриндори Абдулла Тангриев стадионга кириб келди. Унинг ортидан атлас кўйлак, зар дўппи кийган гўзал қизларимиз, бош кийимида юртимиз байроғи акс этган алпқомат йигитларимиз минглаб мухлислар олдида ўтдилар.

Стадионда 202 мамлакат жамоаси саф тортди.

Олимпиада ўйинлари мадҳияси янграб, Олимпия байроғи кўтарилди.

Олимпиада ўйинларининг асл ватани – Олимпия шаҳрида қуёш нурлари ёрдамида ёндирилган машъала стадионга олиб кирилди. Бу машъалани уч ярим мингдан зиёд спортчи 35 кун давомида дунёнинг 27 мамлакати бўйлаб кўтариб ўтган.

Олимпиада машъаласини елканли қайиқда сузиш бўйича Олимпиада чемпиони, грециялик Николаос Какламанакис ёқди.

Тинчлик рамзи – кабутарлар осмонга учирилди.

Барча олимпиадачилар, расмий кишилар Олимпиада ўйинлари ҳалол ўтказилиши учун қасамёд қабул қилдилар.

Шундай қилиб, XXVIII Олимпиада ўйинлари бошланди. Унда мусобақа тарихида энг кўп – 202 мамлакатдан келган спортчилар спортнинг 37 тури бўйича ғолиблик учун куч синашадилар.

Ўзбекистон шарафини 69 нафар йигит-қизларимиз спортнинг 15 тури бўйича ҳимоя қилдилар.

• Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра!

Огоҳлик – давр талаби

Дунёдаги энг қабиҳ разолат – одамларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, уларнинг инсоний ҳуқуқини поймол этиш, тинчлигига, осойишталигига, ҳаётига тажовуз қилишдир. Бугун бутун жаҳон террордан азият чекмоқда. Ўзбекистон халқи, жумладан, вилоятимиз фуқаролари ҳам тинчлик ва барқарорликка қарши қаратилган жиноий ҳаракатларни кескин қораламоқдалар.

Шу йил 13 август куни Тошкент тумани фаолларининг йиғилишида ана шу масала кенг муҳокама этилди. «Огоҳлик – давр талаби» мавзuida ўтказилган йиғилишни Тошкент тумани ҳокими С. Темиров бошқарди.

«Ҳеч қандай куч, ҳеч қандай террорчилик ҳаракатлари бизни адолатли фуқаролик жамияти қуриш ниятидан қайтаролмайди», дейишди йиғилишда сўзга чиққанлар. Унда туман ички ишлар бўлими бошлиғи И. Сайдуллаев Тошкент шаҳрида бўлиб

ўтган террорчилик ҳаракатлари хусусида ахборот берди. Муҳокамада туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси У. Маҳмудова, Шамсиобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М. Усмонов, меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими мудир Р. Акбаров, «Маънавият ва маърифат» туман кенгаши раҳбари Э. Ғуломов, вилоят паспорт тизими бошлиғи С. Мираҳмедов ва бошқалар иштирок этдилар.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

● Кучли давлатдан – кучли жамият сари

Бугунги кизгин ижтимоий-сиёсий жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик алоҳида ўрин тутди. Унда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди фаолияти тобора муҳим аҳамият касб этиб

бормоқда. Мухбиримиз унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида Ўзбекистон фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг тадқиқот-лойиҳа раҳбари, юридик фанлари номзоди Хайрулла Рўзиметов билан суҳбатлашди.

ли вакилини округ сайлов комиссиясининг рўйхатидан ўтказиш билан яқунланади.

— Сайловчиларнинг имзоларини йиғишда асосан

қўйса, унда округ сайлов комиссияси бу имзоларни ҳисобга олмайди. Натижада ташаббускор гуруҳ имзолари саккиз фоизга етмаса, унинг номзоди



— Хайрулла Ибодуллаевич, Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш — янгилик, албатта. Бунда ташаббускор гуруҳларнинг ўрни алоҳида. Айтинг-чи, уларнинг сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнидаги иштироки нималардан иборат бўлади?

— Аввало, сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тегишли округларда ўз ташаббускор гуруҳларини тузадилар. Бундай гуруҳлар тегишли сайлов округларининг камида 100 нафар сайловчисидан иборат бўлади.

Уларнинг биринчи ташкилий мажлисида ваколатли вакил сайланади. У гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади. Ўз ҳуқуқий ваколатини нотариал идорасида расмийлаштириб, депутатликка номзодни аниқлаш ва кўрсатишни ташкил этади. Мазкур босқич ташаббускор гуруҳни ва унинг ваколат-

Ташаббускор гуруҳлар — тенг ҳуқуқли

нималарга эътибор бериш керак?

— Фуқароларнинг айнан шу сайлов округида истиқомат қилишига ва сайловчилар паспортининг маълумотларига. Ҳар бир сайловчининг паспортидаги маълумотлар аниқлангач, имзоси олинади. Бунинг учун ташаббускор гуруҳ ўз сайлов округи чегараларини аниқ билиши керак.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир сайловчи фақат битта номзодни ёқлаб имзо қўйиши мумкин. Борди-ю, сайловчи бошқа ташаббускор гуруҳнинг номзодини ёқлаб ҳам имзо

округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинмайди.

Бундай хатоларнинг олдини олишнинг асосий йўли имзоларни йиғиш вақтида ҳар бир сайловчига имзо қўйишдан олдин аниқ тушунириш керак — агар сайловчи шу номзодни ёқлаб имзо қўйса, у бошқа номзодларга имзо қўйишдан воз кечади. Бу талаб фақат ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатиладиган номзодларга тааллуқли.

Қонун бўйича сайловчининг имзосини олиш учун сиёсий партиялар ҳам мурожаат қилишади. Бу бошқа жараён — сай-

ловчи номзодни эмас, сиёсий партияни, яъни унинг сайловда иштирок этишини ёқлаб қўллаётгани демакдир. Шунинг учун сайловчи ташаббускор гуруҳнинг номзодини қўлаб бита имзо ва сиёсий партия сайловда иштирок этишини қувватлаб яна битта имзо қўйиши мумкин.

— Ташаббускор гуруҳнинг ташвиқот ишлари қай тарзда амалга оширилади?

— Ташаббускор гуруҳ аъзолари шуни яхши билишлари лозимки, ташвиқот олиб бориш ҳуқуқи ва унинг номзодининг ҳуқуқи ташвиқот жараёнида бошқалар билан тенгдир. Ташаббускор гуруҳлар ўз номзодига ишончли вакилларни танлашда ҳам ёрдам беришлари керак.

Ташаббускор гуруҳ аъзоларининг ўзлари ҳам кузатувчилар қаторига киритилиши мумкин ва маъқул. Агар округда тахминан 120 минг сайловчи бўлса, сайлов участкасида тахминан 3000 гача сайловчи бўлса, унда битта сайлов округига тахминан 40 тагача сайлов участкаси тўғри келади. Демак, ташаббускор гуруҳ камида 50 нафаргача кузатувчи номзодини олдиндан аниқлаб қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 44-модда 9-бандига асосан ташаббускор гуруҳлар сайловларнинг натижалари чоп этилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида Марказий сайлов комиссиясининг сайловларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қарори устидан Олий Судга шикоят қилишга ҳақли.

Суҳбатдош Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Комбинат — ҳомий

Мустақиллик байрами яқинлашгани сари ҳамма жойда бунёдкорлик, ободончилик ишлари авж олаяпти.

Олмалиқ шаҳри ҳам ҳозир байрам тараддуди билан яшамоқда. Шаҳардаги 80-мактаб-интернат тубдан таъмирланди. Энди 300 нафарга яқин ногирон болалар янги бинода ўқишни бошлашади. Интернатни замонавий ҳолатга келтиришда Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳомийлик қилмоқда. Комбинатга қарашли «Олмалиқметаллургурилиш» корхонаси бевосита ободончилик ишлари билан банд. Бетон зорурлар ётқириш, ёнғинга қаршли кураш майдончаси ва спорт ўйингоҳини барпо этиш, майдонга чим ётқириш, йўлларни асфальтлаш ишларини 25 августгача яқунлаш режалаштирилган.

Ойсара ДАДАЕВА.

Санъаткорлар билан учрашув

Шаҳар маданият бўлими ташаббуси билан Чирчиқдаги «Кимёгар» ўйингоҳида санъат мухлисларининг ижодкорлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда чирчиқлик томошабинлар ёш санъаткорлар — Шукрулло Исроилов ва Райхона ижросидаги кулгили ҳангомалар ҳамда ёр, диёр ҳақидаги кўшиқлардан маънавий завқ олишди.

Малика АЗИЗОВА.

● Партиялар ҳаётидан

Миллатлар тотувлиги — юрт равнақи

Бугунги кунда Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш фуқароларимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Миллатлараро дўстлик ва тотувлиқнинг замирида улуг ниятлар бор.

Барчамиз эл-юртимиз тинчлиги ва оқойишталигини асраш йўлида тинмай изланамиз, меҳнат қиламиз.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгашининг ташаббуси билан Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Миллатлар тотувлиги — Ватан равнақи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда партиянинг вилоят ва шаҳар кенгаши ходимлари, кичик бизнес вакиллари, шаҳар миллий-маданий марказлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар партиянинг дастурий вазифалари ва унинг жамиятда миллатлараро қелишувчиликдаги роли, миллий-маданий марказларнинг миллатлараро иттифоқликни таъминлашдаги ўрни ҳақида гапирдилар. Кун тартибидаги масалалар мунозара, савол-жавоб тарзида олиб борилди.

Раъно ҲОЛИҚОВА.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан Пскент туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, мамлакатимиздаги парламент ислохотининг мазмун-моҳияти, шу йилнинг август ойи охирида


Пскентда маърифий тадбир

бўлиб ўтадиган Олий Мажлис XV сессияси муҳокамасига қиритилган масалалар ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари, бугунги кундаги фаолияти тўғрисида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида, жамоат ишларида фаоллик кўрсатган партия аъзоларига марказий кенгашнинг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалар, ёшларга партияга аъзолик билетлари топширилди.

Кучлилар сараланади

Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, кенг халқ оммаси, хусусан, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш мақсадида ҳар йили мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан хизматга қақрилувчи ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.



СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

● Мардлар кўриклайди Ватанни



Бу йилги республика биринчилиги Чирчиқ автомобиль мактабининг Жалолиддин Мангуберди номи мажмуасида бўлиб ўтмоқда. Унда республикаимизнинг барча вилоятларидан «Ватанпарвар» ташкилоти курсантларининг 48 нафари ўзаро беллашмоқда.

Бўлиб ўтаётган мусобақаларда иштирокчилар спортнинг 12 тури — 100 ҳамда 3000 метрга югуриш, узунликка, баландликка сакраш, граната улоқтириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, автотранспортда назорат машқларини бажариш, мерганлик, турникда тортилиш, тўсиқли йўлакчадан ўтиш, сувда сузиш кабилар ва маънавий билимлари юзасидан тест топшириш меъёрлари бўйича маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Бу йилдан бошлаб, мусобақага қиритилган тўсиқли йўлакчадан ошиш шарт ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини оширса, маънавий тест синовлари қатнашчиларнинг билим даражасини, миллий қадриятларимиз ҳамда буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тушунчаларини бойитишга хизмат қилади.

Ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича республика биринчилигининг очилиш маросимида «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси А. Абдуқаҳҳоров сўзга чиқиб, қатнашчиларга муваффақият тилади.

Бугун мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади ва навбатдаги биринчиликка яқун ясалади.

Қамолитдин АСҚАРОВ.

Атроф-муҳит беғуборлиги учун

Ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган хлорорганик элементлар таркибига кирувчи пестицидлар инсон саломатлиги ва табиат мусоффолигига жиддий зиён етказиши.

Швеция пойтахти Стокгольмда жаҳоннинг тўқсондан зиёд давлати ва Европа ҳамжамияти вакиллари иштирокида ўтган анжуманда қабул қилинган кучли органик ифлослантувчи моддаларни қўллашнинг олдини олишга оид конвенцияда ана шундай салбий иллатларга олиб келадиган ўн икки турдаги кимёвий моддани ишлаб чиқариш ва фойдаланиш тақиқланган.

Ушбу халқаро ҳужжат шу йил 17 майдан кучга кирди. Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган давлат ўз мамлакатда кучли органик ифлослан-

тирувчи моддалар тарқалишининг олдини олиш миллий стратегияси ҳамда иш режасини ишлаб чиқиши лозим. Бунинг учун Глобал экологик жамғарма беш юз минг АҚШ долларигача молиявий ёрдам ажратади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида олимлар, эколог мутахассислар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ҳамда журналистлар иштирокида ташкил этилган семинарда шу ҳақда маълумот берилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Хотира — азииз

Шу йилнинг сентябрь ойида «Прометей» қидирув экспедицияси ташкил топганига йигирма йил тўлади. Аёвал «Ёдгорлик» жамияти Тошкент вилояти бўлими қошида, 1997 йилдан «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими қошида иш олиб бораётган бу экспедиция ўтган йиллар мобайнида ўзининг ғоясига, эзгу мақсадига содиқ қолмоқда.

Шаҳидлар руҳини шод этиш — экспедициянинг асосий мақсади. Мана шу давр мобайнида нималар бўлмади? Қанча қанча сафарлар, қанча тақдирлар, унутилмас учрашувлар ортда қолди. Бугун буларнинг ҳаммаси биз учун тарихга айланди.

Шу йигирма йил ичида нафақат иккинчи жаҳон уруши йилларида бедарак йўқолган юртдошларимизнинг тақдирини аниқлаш, балки сўнги беш йилда қатагон даври қурбонларининг ҳам руҳини шод қилиш ишимизнинг мазмунини кенгайтирди. Илгари Россия, Украина, Беларус тупроғида ётган юртдошларимиз ҳақида маълумот излаган бўлсак, 1998 йилдан халқимизнинг яна бир ажралмас қисми — қатагон даври қурбонларининг Хотира боғини яратиш бошланди.

Ҳозир шундай боғ яратилган. У Қибрай туманидаги икки дарё — Бўзсув ва Салор ораллиғида жойлашган. Ушбу ҳудуд бир гек-

тар ер майдонидан иборат бўлиб, бугун бу ташландиқ жой катта боғга айланди. Бунда ўрмон хўжалиги институти, Бўстонлик туман ўрмон хўжалиги ва кўплаб фидойи инсонлар бизга ёрдам бердилар. Бугун боғдаги ёш олма ва беҳи кўчатлари илк мевасини берди.

1998-1999 йилларни эслайман. Жазирамада Бўзсув қирғоқлари суяклардан тозаланиб, кафанлаб, жаноза ўқилди. Кейин эса, камтаргина қабр тоши ўрнатилди.

Хотира — муқаддас. Вақт ўтавераркан, кўп нарсанинг абадий эмаслигини англаб туриб, инсонни ҳамиша қўллаб ва унга мадад бериб турган буюк бир туйғу — Хотирани ардоқларкан, киши. Айниқса, бу ҳаётда кўп яхши дўстларингиздан айрилган бўлсангиз. Уларнинг сиймолари ўша — Хотира.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
«Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи.

• Луқма

Зим-зиё кўчалар, дилхун йўловчилар...

Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида ўн йил илгари бўлган киши ҳозир уни танимай қолиши ҳеч гап эмас. Мустақиллик йилларида бу ерда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бир-биридан чиройли бинолар қурилиб, қишлоқ кўрқига кўрк қўшилмоқда. Тадбиркорлар ҳаракати билан кўчаларда қатор дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш уйлари қад ростлади. Лекин қишлоқда кишини ранжитадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Бир пайтлар қишлоқда мўъжазгина клуб бўларди. Кунда бўлмаса-да, кунора турли фильмлар намойиш этиларди. Одамлар кечки салқинда маънавий ҳордиқ чиқаришарди. Шу ёлғизгина клуб ҳам кимларгадир кўп қиринди шекилли, уни бузиб ташлаб, ўрнига чойхона қурмоқ ниятида бир неча бор ҳаракат қилишди-ю, аммо иш чала қолиб кетди. Қурилиш учун олиб келинган қум, ғишт, тахта-

ларни одамлар талон-торож қилиб кетди.

Бузилган клубдан сал нарида қурилиши бошланган спорт майдончаси эса ўлда-жўлда. Қишлоқ кўчалари зим-зиё, милтиллаган чироқ кўринмайди. Роҳат ва Исмоилов кўчаларида тунда юриш жуда машаққатли.

Қолаверса, Марказий кўчасида ҳам аҳвол шундай. Нима учун пойтахт кўчаларидаги чироқлардан кўзларимиз қамашади-ю, бир қадам наридаги қишлоқда бунинг акси?

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари наҳотки бу кўчалардан юришмаса? Ёки...

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тахририятда иш куни муштариолардан келган хатларни саралаш, улар билан танишишдан бошланади. Ҳар тонг «Тошкент ҳақиқати» ўз ўқувчиларидан даста-даста хат-хабарлар олади. Кимдир ўз қишлоғи, шаҳри ёки маҳалласида рўй берган янгиликлар ҳақида, кимдир бирор ҳаётини муаммони ҳал қилишда ёрдам-маслаҳат сўраб мурожаат қилади. Ижодий ходимлар ана шу хат-хабарларнинг ҳаммасидан имкон даражасида фойдаланишга ҳаракат қилади. Қуйида тахририят сўнги кунларда олган айрим мактублар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Сафар ойи хосиятсизми?

Яқинда бир қариндошимизникида катта тўй бўлиб ўтди. Икки ёшнинг никоҳ маросимига суннат тўйи қўшилиб, дастурхон мўл-кўл, даврада хурсандчилик авжига чиқди. Лекин шу куни эрталабдан кечгача ёмғир тинимсиз шивалаб турди.

Бундай вақтда мезбонларга анча қийин. Шу пайт кимдир: «Шу тўйни кейинроқ, иссиқ кунларда ҳам қилса бўларди», деди. Унга жавобан ўрта ёшли киши: «Кейинги ой сафар ойи, хосияти йўқ дейишади-ку. Сафар ойида тўй қилиб бўлмас экан. Шунинг учун олдинроқ бошлаб юборишгандир-да», деди. Бу фикрни яна бир неча киши қувватлади.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида бу ой билан боғлиқ бир қанча ирим-сиримлар мавжуд. Яъни, сафар ойида сафарга чиқма, тўй қилма, янги уйга кўчиб қирма, аразлашиб қолган одамларингга эҳтиёт бўл, сафар ойи бехосият деган фикрлар юради. Юқоридаги гапларнинг нечоғли тўғри эканлигини билиш мақсадида изланишга, китоблар мутолаа қилишга, диний уламолар билан мулоқот қилишга тўғри келди.

Улуғ ватандошларимиз



Имом Бухорий, Имом Термизий, Абулайс Самарқандий, Саййид Маҳмуд Таровий каби зоти шарифларнинг китобларида муборак ойлар ва хосиятли кечалар ҳақида муҳим хабарлар бор.

Ҳижрий тақвимда таъкидланишича, сафар ойи иккинчи ой бўлиб, (22 мартдан бошланиб, 20 апрелда тугайди) 29 кундан иборат. Муслмонлар эса, сафар ойини янги йилнинг бошланиши дейишади. Неча минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз ҳам йилбоши ҳисобланади. «Сафар» сўзи луғатда

сарик, ҳали бўш деган маънони англатар экан. Унинг «сафар қилиш» ёки бошқа тасаввурлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки, бу сўзнинг арабий ёзилишига ҳам эътибор берсак, ундаги яна бир фарқни кўришимиз мумкин. Сафар-саёҳат сўзлари «син» ҳарфи билан, сафар ойи эса «сод» билан ёзилади.

Шундан кўриниб турибдики, халқ орасида сафар ойида тўй қилиш хосиятсиз, сафарга чиқиш хатарли ва бошқа бидъатларнинг ҳаммаси кишиларнинг ўзлари ўйлаб топган иримлардир. Имом Бухорий Абу Ҳурайрандан ривоят қилишларича, Расулulloҳ (С.А.В.): «сафар ойи бехосият эмас» деганлар. Кўриниб турибдики, ҳар бир нарсага нотўғри ёндошиш, кишиларнинг фикри чалғишига, улар ўртасида турли бидъатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлар экан.

Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.

Меҳр-оқибат — инсон қадрининг сайқали

Одамийликнинг олий сифати — меҳр-оқибатдир. Бу сифатга эга инсонларнинг қадри улуғ, қалби эса латиф бўлади. Инсонларга олижаноблик, саҳийлик, раҳмдиллик, меҳр-оқибат ғоялари сингиб кетган бўлса, улардан эзгулик ҳисси сринайди.

Бунинг қарангки, одамнинг букилган қадрини одамийлик йла тиклаш мумкин экан.

Аксинча, оқибат йўқ ерга бахт ҳам келишга кўрқар экан. Бир оқибат эса юз яхшиликка йўл очиши мумкин. Бунинг исботини мен яқинда бир воқеада кўрдим. Бемор аёл биргина самимий ширин сўз шарофати ила соғайиб кетди. «Мана ман» деган шифокорларнинг тиши ўтмади. Аёлнинг дарди оғирлашиб, умидсизликка тушган, яшашга бўлган иштиёқи кундан-кун сўниб борар эди. Халоскор аёлнинг биргина «хола, умуман касалга ўхшамайсиз, ёш, чиройли экансиз», деган руҳий кўмаги беморни яна ҳаётга қайтарди. Бу ақл бовар қилмайдиган ҳол.

Кўнгилга қувват бағишловчи ана шундай ширин сўзлар ҳамда эзгу ишлар жамланмаси бўлмиш меҳр-оқибатнинг сеҳри шу даражада қудратлидир.

Меҳр ила ёмонни яхшига айлантириш мумкин экан. Инсонларнинг бир-бирларига бўлган садоқати, меҳр-оқибати, ҳатто, юртни ҳам ғанимлардан ҳимоя қила олар экан. Инсонларни бир-бири билан ўзаро боғлаган оқибат ришталари абадий узилмасин.

Нодира ОРИФХЎЖАЕВА.

Ҳақиқатми ёки алдов?

Ҳар йили олий ўқув юртларида қабул комиссияси иш бошлаши билан кўча-кўйда бир ҳолатни кузатаман. Ҳар жой-ҳар жойда абитуриентлар учун эълонлар пайдо бўлиб қолади.

Бу эълонларда ўқишга кириш истагида бўлганлар учун тест жавоблари борлигини маълум қилишади. Айрим эълонларда жавоб вариантларининг нархлари ҳам очиқ ёзилади.

Ҳўш, бу қандай ҳолат? Абитуриентларни енгил-елпи йўлга бошлаш, уларни ўз қармоқларига илинтиришми? Ёки бу ҳақиқатан ҳам кириш имтиҳонларининг тўғри жавобларими?

Агар тест жавоблари ҳақиқий бўлса, уни сотаётганлар қаердан оляпти? Мўмай даромад ортириш йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган кимсаларни назорат қилувчилар борми?

Шу ўринда мулоҳаза туғилади. Айталик сотиб олинган тест жавоблари ҳақиқий. Аммо, шу йўсинда талаба бўлган ёшнинг ҳақиқий билимини белгилаб бўлмайдику? Қолаверса, бу осон усул абитуриентни ўқишдан, изланишдан сўндириб қўймайдими?

Аслида синовининг тест усули бутун дунёда адолатли тизим ҳисобланади. Аммо, уни омалаштиришда назоратнинг етишмаслиги юқоридаги каби салбий ҳолатларни юзага келтиради. Назаримда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик бу масала билан жиддийроқ шуғулланиши лозим. Акс ҳолда яра газак олиши мумкин.

Карим ҲАМДАМОВ,
Ўртағирчиқ тумани.

Dushanba 16

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50. Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари.
9.40 «Соғлом она - соғлом бола»
10.00 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
Ўзги таътил кунларида:
10.05 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиоканаллари камер оркестрининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Рангин дунё»
12.25, 13.50 ТВ клип.

12.35 «Тафсилот»
12.55 «Дастурхон атрофида»
13.05 «Яхши ёмон йигитлар». Телесериал.
14.10 «Шахсий фикр»
14.40 «Шарқ тароналари»
15.00 «Кишлоқ ҳаёти»
15.20 «Киролнинг дилхуши». Телесериал.
«Болалар сайёраси»
16.55 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
18.10 «Оззи Озон»
Мультифильм.
18.20 «Эл саломатлиги йўлида»
18.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан. «Ўзбектеле»

фильм» намоиши:
«Оғир синовлар даври». 1-фильм.
19.05 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол наҳидаси»
21.10 2004 йил - Мехр ва мурувват йили.
«Химмат»
21.30 «Стандарт ва сифат»
21.40 «Оҳанглар оғушида»
21.50 «Чоликуши»
Бадий фильм. 1-қисм.
22.40 «Осиёнинг кашф этилиши». Хужжатли сериал премьераси (Япония)
23.05 «Ахборот-дайжест»
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Давр» ҳафта ичида.
16.30 «Янги авлод» почтаси.
16.50 Украина киноси ҳафталиги: «Кечиролсанг, кечир мени»
Бадий фильм.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
19.55 Кишлоқдаги тенгдошим.
20.15 «Мехр кўзда»
Мактубларга шарҳ.
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.40 «Елгон асираси»
Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги

олдидан. «Бунёдкорлик» туркумидан.
«Ўзбекистон-қурилиш мамлакатини»
Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Тўртинчи доирадаги бир кеча»
Бадий фильм.
23.55-00.00 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Оззи Озон»
Мультифильм.
17.20 ТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал: «Мухаббат тарихи»
ратия кўзгуси.
20.20 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.40 «Елгон асираси»
Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Замондошларим»
Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Интернет»
Бадий фильм.
00.30-00.35 Хайрли тун.

20.20 «Мурувват»
21.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадар»
21.55 «Ёшлар даврасида»
22.15 Кинонигоҳ. «Уй қамоғи»
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Орзудаги жамоа»
Сериал.
9.25-12.25 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт антракт»
17.20 Хужжатли фильм.
18.10 «Клон»
Сериал.
19.10 «Мени кутгил»
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 Ўзбекистон

Республикаси мустақиллигининг 13-йиллиги олдидан.
«Спортимиз маликалари»
Саида Бурхонхужаева.
21.00 «Хабарлар»
21.15 «3-тайм»
21.35 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
23.05 Еврофутбол.
«Челси» - «Манчестер Юнайтед»
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
16.55 гача профилактика ишлари 16.55 Окрывие программы
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»
«Пауки», триллер
19.20 «Мангуст», сериал
20.10 «Ошикона», мусикий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»
«Птичка на проводе», комедия
00.00 Программа передач

Seshanba 17

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 «Темур ғори»
1-қисм.
9.10 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
Ўзги таътил кунларида:
10.05 «Алвон елканлар»
Бадий фильм.
11.30 «Табиат шифохонаси»
11.40 «Мулкдор»
12.05 2004 йил - Мехр ва мурувват йили.
«Химмат»
12.25 «Раксинг сеҳрли олами»
12.45 «Бизнес ҳафта»
13.00 «Яхши, ёмон йигитлар»
Телесериал.
13.40 «Қалб гавҳари»
14.10 «Муносабат»
14.40 Ч. Айтматов.
«Найман она

нидоси». Қарши шаҳар «Эски маҳит» театр студияси спектаклининг премьераси.
«Болалар сайёраси»
15.30 1. «Кўшигим - жон кўшигим». 2. «Кувнок стартлар»
16.25 «Яхшилик»
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Остонаси тиллодан»
18.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Ўзбектелефильм» намоиши: «Оғир синовлар даври». 2-фильм.
18.50 «Фанимиз даргалари»
19.10 «Тафсилот»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол наҳидаси»
21.10 «Сиёсат оламида»
21.30 «Кўшигимиз Сизга армугон»
21.50 «Истеъмолчи»
22.10 «Чоликуши»
Бадий фильм. 2-қисм.
23.00 «Оҳанглар оғушида»
23.05 «Осиёнинг кашф этилиши». Хужжатли сериал премьераси.
23.30 «Ахборот-дайжест»
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Катта танарфус.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Давр» - репортаж.
9.35 «Елгон асираси»
Телесериал.
10.15 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
10.55 Саёҳатнома.
11.15 «Қушча»
Бадий фильм.

12.30, 18.05 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари»
Мультисериал.
13.25 «Умр дафтари»
туркумидан: Мутал Бурхон. Видеофильм. 1-қисм.
13.40 Кишлоқдаги тенгдошим.
14.00 «Ўзбектелефильм» студияси намоиши: «Сарчашма»
14.10 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
14.20 Интерфутбол.
16.10 Украина киноси ҳафталиги: «Бензаконка маликаси»
Бадий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.45 Таянч.
18.25 Ракурс.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50, 22.40 ТВ-анонс.
19.55 Ишга марҳамат!
20.00 Сайлов - демок-

ратия кўзгуси.
20.20 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
20.30 Сув - ҳаёт манбаи.
20.35, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.40 «Елгон асираси»
Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Замондошларим»
Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Интернет»
Бадий фильм.
00.30-00.35 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажон-кажон»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал: «Мухаббат тарихи»
20.20 «Эл хизматида»
21.15 «Билим» телеклуби.
21.55 «Инсон ва қонун»
22.15 «Саодат кали»
22.45 Кинонигоҳ: «Хоним ва қароқчи»
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Орзудаги жамоа»
Сериал.
9.40 «Баҳодирлар уйини»
10.10 Кураш бўйича Республика турнири.
10.55-12.25 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт - клуб»
17.30 Машхурлар. Л. Лукина.
18.00 «Клон»
Сериал.
19.00 «Қора қушгун»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спорт - менинг ҳаётим»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Мангуст», сериал
14.00 Художественный фильм
15.30 «Ошикона», мусикий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»
«Пропавшие на поле боя», острозащитный фильм
19.20 «Мангуст», сериал
20.10 «Ошикона», мусикий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»
«Счастливая находка», комедия
00.00 Программа передач

20.20 «Эл хизматида»
21.15 «Билим» телеклуби.
21.55 «Инсон ва қонун»
22.15 «Саодат кали»
22.45 Кинонигоҳ: «Хоним ва қароқчи»
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Орзудаги жамоа»
Сериал.
9.40 «Баҳодирлар уйини»
10.10 Кураш бўйича Республика турнири.
10.55-12.25 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт - клуб»
17.30 Машхурлар. Л. Лукина.
18.00 «Клон»
Сериал.
19.00 «Қора қушгун»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спорт - менинг ҳаётим»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Мангуст», сериал
14.00 Художественный фильм
15.30 «Ошикона», мусикий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»
«Пропавшие на поле боя», острозащитный фильм
19.20 «Мангуст», сериал
20.10 «Ошикона», мусикий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»
«Счастливая находка», комедия
00.00 Программа передач

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Мангуст», сериал
14.00 Художественный фильм
15.30 «Ошикона», мусикий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»
«Пропавшие на поле боя», острозащитный фильм
19.20 «Мангуст», сериал
20.10 «Ошикона», мусикий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 Киновечер на «30-м»
«Счастливая находка», комедия
00.00 Программа передач

Chorshanba 18

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Темур ғори»
2-қисм.
9.10 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари»
Хужжатли телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот»
Ўзги таътил кунларида:
10.20 «Мис тоғ бекаси»
Бадий фильм.
11.40 «Сиёсат оламида»
12.05 Болалар учун.
«Саргузаштлар ороли»
12.35, 13.00 ТВ анонс.
12.40 Симфоник мусика фестивали олдидан.
«Симфоник мусика дунёси»
13.05 «Яхши, ёмон йигитлар»
Телесериал.
13.50 Мусикий танарфус.

14.10 «Фанимиз даргалари»
14.30 Кундузги сеанс: «Муқаддима»
Бадий фильм.
15.55 «Ягона оилада»
16.25 Республика Ички Ишлар Вазирлиги «Осиё юлдузлари» ансамбли ва эстрада хонандаларининг хайрия концерти.
«Болалар сайёраси»
16.45 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Яшил чирок»
17.45 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Она замин неъматлари»
18.10 «Шум бола»
Ҳажвий киножурнал.
18.20 «Барҳаёт сиймолар»
Х. Болтаев.
18.40. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Ўзбектелефильм» намоиши: «Оғир синовлар даври». 3-фильм.
19.05 «Долзарб мавзу»
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол наҳидаси»
21.10 «Солиқ хизмати хабарлари»
21.15 «Наволарим сенга, она юрт!»
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Тараққиёт йули»
21.50 «Чоликуши»
Бадий фильм. 3-қисм.
22.35 «Оҳанглар оғушида»
22.40 «Қизлар давраси»
24.00 «Ахборот-дайжест»
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
8.50 13.10, 19.35, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00

Давр.
9.25 «Елгон асираси»
Телесериал.
10.05 «Давр» - интервью.
10.20 «Мультиомоша»
10.50 Таянч.
11.10 Жаҳон жуғрофияси.
12.00 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
12.10 Сайлов - демократия кўзгуси.
12.30, 17.55 Ёшлар овози.
12.50, 15.50 Мусикий лаҳзалар.
13.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари»
Мультисериал.
13.30 «Умр дафтари»
туркумидан: Мутал Бурхон. Видеофильм. 2-қисм.
13.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Замондошларим»
Видеофильм.
14.05 Ракурс.
14.25 Украина киноси ҳафталиги: «Олтин занжир»
Бадий фильм.
16.10 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Оқ қабутар.
17.25 Болажон.

17.35 Тенгдошлар.
18.15 Сийрат.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
20.20 Кулгис.
20.25, 21.15, 22.35 Ўзлонлар.
20.30 «Елгон асираси»
Телесериал.
21.15 «Кичик бизнес-нинг катта йули»
АҚШдан тайёрланган махсус кўрсатув.
21.45 Олтин мерос.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.
23.35-23.40 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экранни»
18.30, 20.00, 21.10, 21.50 «Пойтахт»
ахборот дастури.

18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТВда сериал: «Мухаббат тарихи»
20.20 «Химоя»
20.55 «Сухбатдош»
21.30 «Мусикий меҳмонхона»
22.10 «Аёл она, мураббий раҳбар»
Телеклуби.
22.35 Кинонигоҳ: «Севимли Рожа»
1-2 сериялар.
1.20-1.25 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Кувнок стартлар»
9.50 «Спорт - клуб: Спорт масканларида»
10.10 «Белида белбоғи борлар»
10.25 «Орзудаги жамоа»
Сериал.
10.50 Кураш бўйича Республика турнири.
11.35-12.55 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил»
18.00 «Клон»
Сериал.
19.00 «Қора қушгун»
Сериал.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спорт - менинг ҳаётим»
21.00 «Хабарлар»
21.15 «XXVIII ёзги Олимпиада уйинлари»
23.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол»
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Мангуст», сериал
14.00 Художественный фильм
15.30 «Ошикона», мусикий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновечер на «30-м»
«Пароль знали двое», острозащитный фильм
19.20 «Мангуст», сериал
20.10 «Ошикона», мусикий дастури
20.40 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Теле-хамкор»
21.15 «Церемония вручения»
«Тарона-2004»
00.20 Программа передач

Payshanba 19

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Устозларга эргашиб»
Премьера.
«Болалар сайёраси»
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Яшил чирок»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 Алифбо сабоклари.
Ўзги таътил кунларида:
10.25 «Кулол ва

хумча»
Бадий фильм.
11.40 «Санъатга бахшида умр»
12.05 «КиноТеатр»
12.25 «Харакатда-баракат»
12.40 «Дунё бўйлаб»
13.00 «Мирзо Улугбек»
Телесериал.
14.10 «Тараққиёт йули»
14.30 «Шеърға кўчган кўнгил»
14.40 Дельмар. «Ғариблар»
Спектакль. 1-қисм.
15.55 «Оламни асран!»
16.15 «Созлар садоси»
Мусикий дастур.
«Болалар сайёраси»

16.40 1. «Болалар спорти»
2. «Цирк, цирк, цирк»
17.40 «Харита»
Халқаро шарҳ.
18.10 «Бизга мактуб йўллабсиз»
Мусикий дастур.
18.40. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Ўзбектелефильм» намоиши: «Оғир синовлар даври». 4-фильм.
19.05 «Маслак ва максад»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истиклол наҳидаси»
21.10 Телемулоқот.
21.55 Бир жуфт қушиқ.

22.05 «Долзарб мавзу»
22.35 «Чоликуши»
Бадий фильм. 4-қисм.
23.20 «Осиёнинг кашф этилиши»
Хужжатли сериал премьераси.
23.45 «Ахборот-дайжест»
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг»
Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ қабутар.
8.50, 19.50, 22.40 ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Елгон асираси»
Телесериал.
10.05 Тенгдошлар.
10.25 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.

11.15 Болажон.
11.25 «Нихол - 2004» мукофотида номзодлар.
11.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.00 Спорт-китъаси (рус тилида)
12.30, 18.00 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10 «Кундуз амакининг ҳикоялари»
Мультисериал.
13.25 «Умр дафтари»
туркумидан: Мутал Бурхон. Видеофильм. 3-қисм.
13.40 Сийрат.
14.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан.
«Бунёдкорлик»
туркумидан.
«Ўзбекистон-қурилиш мамлакатини»
Видеофильм.

14.20 «Мехр кўзда»
Мактубларга шарҳ.
14.40 Жаҳон жуғрофияси.
15.30 «Кичик бизнес-нинг катта йули»
АҚШдан тайёрланган махсус кўрсатув.
16.10 Украина киноси ҳафталиги: «Коханов-калик артист»
Бадий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Меҳмонхона.
17.45 Янги алифбони ўрганамиз.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Д

телегазетаси.
18.15 «Навбахор».
18.30, 20.00, 20.55,
22.30 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал:
«Муҳаббат тарихи».
20.20 «Хайрли
оқшом».
21.15 «Саломатлик
маскани».

21.35 «ТВ мактуб».
22.05 «Бурч ва масъу-
лият».
22.50 «Таваккал».
Телесериал.
23.55-24.00 Хайрли тун,
шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.05 «Болалар спорти».
9.20 «Орзудаги жа-
моа». Сериал.
9.45 «Соғлом оила».
10.15 Футбол бўйича
аёллар ўртасида
Ўзбекистон чемпионати.
11.00-13.00 XXVIII
ёзги Олимпиада
ўйинлари.
16.55 Курсатувлар

тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида)
17.15 «Спорт - ант-
ракт».
17.20 «Латифалар».
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Қора қузғун».
Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар
спорти».
20.45 «Спорт - менинг

хаётим: Майдон
ортидаги одам».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «XXVIII ёзги
Олимпиада ўйинла-
ри».
23.45 Жаҳон спорти:
«Еврофутбол».
1.20 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие програм-

мы 12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час» 13.00
«Не соррысьте девочки»,
сериал 14.00 Художес-
твенный фильм, «Беше-
ный пёс и Глория», остро-
сюзный фильм 15.30
«Спорт-экстрим» 16.00
«Тайны мира», познава-
тельная передача 17.00
«Теле-хамкор» 17.30 «Дет-
ский час» 17.50 Киновече-
р на «30-м»: «Ангел мести»,

остросюжетный фильм
19.20 «Не соррысьте де-
вочки», сериал 20.10
«Ошикона», мусикий дас-
тури 20.40 «Спокойной
ночи малыши» 21.00
«Теле-хамкор» 21.30
«Музыкальная пауза»
22.00 Киновече-р на «30-
м»: «Как украсть милли-
ард», остросюжетный
фильм 00.00 Програм-
ма передач

Juma

20

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 «Ўзбектеле-
фильм» намоиши:
«Нақшош».
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Болалар
спорти». 2. «Цирк,
цирк, цирк».
10.00 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
Ёзги таътил кунларида:
10.05 «Бувам,
Килиан ва мен».
Бадий фильм.
11.25 «Маслак ва
мақсад».
11.45 Мусикий
танаффус.
12.05 «Экран ханда-
си».
12.30 «Долзарб
мавзу».
13.00 «Мирзо Улуғ-
бек». Телеспектакль.
2-кисм.
13.55 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.55, 15.45 ТВ анонс.
15.00 «Таълим ва
тараққиёт».
15.20 Эстрада

тароналари.
15.50 Дельмар.
«Гариблар». Спе-
такль. 2-кисм.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Ёш юлдуз-
лар». 2. «Уйла,
Изла, Топ!» Телему-
собака.
17.35 «Ўзбектеле-
фильм» намоиши:
«Футбол туганмас
бахс». Премьера.
18.10 «Улмас наво-
лар». М. Мирзаев.
18.25 «Тафсилот».
18.40. «Ўзбекистон
Республикаси муста-
қиллигининг 13
йиллиги олдидан.
«Ўзбектелефильм»
намоиши: «Оғир
синовлар даври». 5-
фильм.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 «Дастурхон
атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ хизмати
хабарлари».

21.15 «Муносабат».
21.45 Ўзбекистонда
хизмат курсатган
артистлар.
22.05 Иккинчи чакириқ
Олий Мажлисининг ўн
бешинчи сессияси
олдидан. «Парламент
вакити».
22.25 «Чолиқуши».
Бадий фильм. 5-кисм.
23.05 «Оханглар
оғушида».
23.15 «Ахборот-
дайжест».
23.35-23.40 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
8.30 «Янги авлод»
студияси: Ёқимли
иштак.
8.50, 19.40, 22.40 ТВ-
анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00
Давр.
9.25 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Мультимоша».
10.50 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
11.35 Меҳмонхона.
11.55 Янги алифбони
ўрганимиз.
12.10 Ўзбекистон

Республикаси муста-
қиллигининг 13
йиллиги олдидан.
«Озод юрт фарзанд-
лари». Видеофильм.
12.30 Ёшлар овози.
12.50, Мусикий лаҳза-
лар.
13.10 «Кундуз амаки-
нинг хикоялари».
Мультсериал.
13.25 «Умр дафтари»
туркумидан: Абдулла
Орипов. Видеофильм.
1-кисм.
13.40 Минг бир ривоят.
13.45 Болалар учун
фильм. «Олти жаҳон-
гашта».
14.50 Бегойим.
15.10 Жаҳон жуғрофия-
си.
16.10 Украина киноси
хафталиги: «Бузоқ
или». Бадий фильм.
17.25 Курсатувлар
дастури.
17.30 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой
театри.
17.50 Ёшлар куйлаган-
да.
18.05 Куёшли юрт
одамлари.
18.25 Аскар мактубла-
ри.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 Солиқ хизмати
хабарлари.

19.45 «COSCOM»
хабарлари.
19.55 Ака-ўка Мўминов-
лар куйлайди.
20.15 Кишлоқдаги
тенгдошим.
20.35, 21.25, 22.35
Ёшлар.
20.40 «Ёлгон асира-
си». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон
Республикаси муста-
қиллигининг 13
йиллиги олдидан.
«Замондошларим».
Видеофильм.
21.50 Олтин мерос.
22.45 Автопатрул-плюс.
23.05 «Ёшлар» телека-
налида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.45-0.50 Хайрли тун.
«Тошкент»

17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 ТВда сериал:
«Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабар-
лари».
18.00, 20.50 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
18.15 «Болажон-
какажон».
18.30, 20.00, 21.05,
22.35 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал:
«Муҳаббат тарихи».

20.20 «Аёллар салта-
нати».
21.25 «Навбатчи
қисм».
21.45 «Дорихона
эшитида».
22.55 «Таваккал».
Телесериал.
24.00-00.05 Хайрли тун,
шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 «Болалар
спорти».
9.15 «Федерация
фаволяти».
9.35 «Дадиллик учун
соврин».
10.00 Футбол бўйича
аёллар ўртасида
Ўзбекистон чемпиона-
ти.
10.45 «XXVIII ёзги
Олимпиада ўйинла-
ри».
12.15 - 12.45 «Дунё
манзаралари».
16.55 Курсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида)
17.15 «Болалар
спорти».
17.35 «Спорт - клуб».
Ринг.
18.05 «Факат бир
оқшом». Фильм-
концерт.

18.50 «Мўжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Узгача ҳаёт».
20.50 «Мобил
янгиликлар».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «XXVIII ёзги
Олимпиада ўйинла-
ри».
23.45 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие про-
граммы 12.05 «Теле-
хамкор» 12.30 «Детский
час» 13.00 «Не соррысьте
девочки», сериал 14.00
Художественный фильм,
«Как украсть миллиард»,
остросюжетный фильм
15.30 «Оши-
кона», мусикий дастури
16.00 «Тайны мира»,
познавательная передача
17.00 «Теле-хамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 Киновече-р на
«30-м»: «Доктор сон»,
триллер 19.20 Звезды
ринга на «30-м»: Луч-
шие поединки звезд профес-
сионального и любитель-
ского бокса 20.10 «Оши-
кона», мусикий дастури
20.40 «Лучшие клипы»
21.00 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная па-
уза» 22.00 Киновече-р на
«30-м»: «Снайпер в горо-
де», остросюжетный
фильм 00.00 «Ночной
канал» - «Готти», драма

Shanba

21

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Ўзбектеле-
фильм» намоиши:
«Мўжизалар майдо-
ни».
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Ёш юлдуз-
лар». 2. «Уйла, Изла,
Топ!» Телемусобака.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Кухна замин
оханглари».
10.40 «Солиқ хизмати
хабарлари».
10.50 «Оливер ва
унинг дўстлари».
Мультфильм.
12.00 «Тафсилот».
12.15, 13.50 ТВ анонс.
12.20 «Мирзо Улуғ-
бек». Телеспектакль.
3-кисм.
13.20 Мусикий танаф-
фус.
13.30 Ўзбекистон
Республикаси муста-
қиллигининг 13
йиллиги олдидан.
«Юксалиш одимла-
ри».
13.55 «Никоблар».
Бадий фильм.
15.25 «Дўстлик»
студияси: 1. «В
добрый хате». 2.
«Бизнен мирас». 3.
«Истоки».
16.25 «Қобил ота

уйланармиш». Видео-
фильм премьераси. 1-
кисм.
16.55 ТВ клип.
17.05 «Табият шифохо-
наси».
17.15 «Қалб гавҳари».
17.35 «Куйла, ёшли-
гим».
17.55 Болалар учун.
«Саргузаштлар ороли».
18.25 Ўзбекистон
Республикаси мустақил-
лигининг 13 йиллиги
олдидан. «Ўзбектеле-
фильм» намоиши:
«Оғир синовлар даври».
6-фильм.
18.50 «Қишлоқ ҳаёти».
19.10 «Узлото». Телело-
терея.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Ёшлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиклол
нашидаси».
21.10 «Буюк аждодла-
римиз». Беруний.
21.30 «Оталар сўзи -
ақлнинг кўзи».
22.30 «Оханглар
оғушида».

«Тунги ёғду». Дам олиш
дастури.
22.40 «КиноТеатр».
23.00 «Ахборот-
дайжест».
23.20 «Ўзбекистон»
телеканалда ilk
маротаба: «Сунги
самурай». Бадий
фильм. 1-кисм.
00.40-00.45 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
8.30 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой
театри.
8.50, 13.05, 15.05, 19.45
ТВ-анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 19.00 Давр.
9.25 «Ёлгон асираси».
Телесериал.
10.05 «Томорка».
10.15 Табабат оламида.
10.40 «Қаҳқаҳа» театр-
студияси намоиш
этади.
11.15 Болалар учун
фильм. «Кенжабойдан
қурқ, эй ганим».
12.20 Солиқ хизмати
хабарлари.
12.25 Автопатрул-плюс.
12.45 Кишлоқдаги
тенгдошим.
13.10 «Умр дафтари»
туркумидан: Абдулла
Орипов. Видеофильм.
2-кисм.
13.25 Интерфутбол.
15.10 Украина киноси
хафталиги: «Пилигрим»
кемасининг капитани».
Бадий фильм.
16.35 Курсатувлар

дастури.
16.40 «Янги авлод»
студияси. Буш утирма.
17.05 Ёшлар давраси.
17.35 Дунё ажойиботла-
ри.
17.45 Бола тилидан.
18.15 Саломатлик
сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.35 «Давр» - репор-
таж.
19.50 Кутилмаган
Меҳмон.
20.15 Учимизники.
20.25 Минг бир ривоят.
20.30 Оханрабо.
21.10, 22.35 Ёшлар.
21.15 «Африка армон-
лари» Бадий фильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Африка армон-
лари» Бадий фильм
(давоми)
23.50-23.55 Хайрли тун.
«Тошкент»

17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 Болажонлар
экрани.
17.45 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
17.55 «Мультичарпа-
ла».
18.15 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».
18.35 «Жаҳон геогра-
фияси».
19.05, 20.25 «Экспресс»
телегазетаси.
19.20 «Экран зийнати
ва киймати».
19.50 «Афиша».
20.10 «Мисли гавҳар».
20.40 «Табриклимиз-
кутлаймиз».

21.10 Ўзбекистон
Республикаси Мустақил-
лигининг 13 йиллиги
олдидан «Ибрат».
21.25 «Нима учун?»
21.55 «Биргаликда
куйлаймиз».
22.35 «Таваккал».
Телесериал.
23.40-23.45 Хайрли тун,
шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 Мультфильм.
9.10 «Лаззат».
9.30 Хужжатли фильм.
10.20 «XXVIII ёзги
Олимпиада ўйинлари
кундалиги».
11.00 «Кўнгул -
кўнгулга пайванд».
Ток-шоу.
11.40 «Болалар
спорти».

12.00-12.15 «Спорт -
менинг хаётим».
16.55 Курсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида)
17.15 «Аёллар ва
спорт».
17.35 «XXVIII ёзги
Олимпиада ўйинла-
ри».
18.00 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
20.00 «Время».
20.20 «Болалар
спорти».
20.35 «Спортмиз
одимлари».
21.00 «Хабарлар».
21.15 Футбол. Ўзбеки-
стон чемпионати.
«Трактор» - «Самар-
канд-Динамо».
22.00 «XXVIII ёзги
Олимпиада ўйинла-
ри».
1.00 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Открытие програм-
мы 9.05 «Теле-хамкор»

9.30 «Детский час» 10.00
Фильм детям: «Сказка о
мёртвой царевне и семи
богатырях», мультфильм
11.30 «Окно в мир» - до-
кументальный фильм
12.00 «Снайпер в городе»
остросюжетный фильм
13.40 Звезды ринга на
«30-м»: Лучшие поединки
звезд профессионального
и любительского бокса
14.30 Индийское кино:
«Как босс утерли нос»
17.10 «Дикая планета»
познавательная передача
18.00 «Теле-хамкор» 18.20
Киновече-р на «30-м»: «Ата-
ка на королеву», остросю-
жетный фильм 19.50
«Ошикона», мусикий дас-
тури 20.20 Хит-парад.uz
21.20 «Теле-хамкор» фой-
дали газета 21.30 «Литов-
ский транзит», сериал
22.20 Киновече-р на «30-
м»: «Враг у ворот» остро-
сюзный фильм 00.00
«Ночной канал» - «8 мил-
лионов», детектив

Yakshanba

22

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кино-
дастур.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа
олам».
12.10 «Буюк аждод-
ларимиз». Беруний.
12.30 «Лаззат сеҳри».
13.00 Мусикий
танаффус.
13.15, 14.20 ТВ
анонс.
13.20 «Мирзо Улуғ-
бек». Телеспектакль.
4-кисм.
14.25 «Дўстлик»
студияси: 1. «Рангин-
камон». 2. «Дидар».
3. «Айчирек». 4.
«Чинсан».
15.45 «Ўзбектеле-
фильм» намоиши:
«Орзулар қанотида».
16.00 «Қобил ота
уйланармиш».
Видеофильм премье-
раси. 2-фильм.
16.30 «Ананалар
этади давом».
Мусикий дастур.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Эртанги кун
эгалари». 2. «Олтин
тоғ». Телевизион
уйин.
18.00 «Шахсий фикр».
18.30 «Қушимиз
Сизга армуғон».
18.50 «Бизнес ҳафта».
19.05 «Масъул сўз».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Ёшлар.
19.30 «Тахилнома»

(рус тилида)
20.05 «Курсатувдан -
курсатувча».
20.30 «Тахилнома».
21.15 «Истиклол
нашидаси».
21.20 2004 йил - Меҳр
ва мурувват йили.
«Яхшилик».
21.50 Бир жуфт қўшиқ.
22.00 Ўзбекистон
Республикаси мустақил-
лигининг 13 йиллиги
олдидан. «Тараққиёт
йили».
22.20 «Оханглар
оғушида».
22.30 «Қалбимдасан,
Ватан».
«Яхшиба кинозали»:
22.50 «Ўзбекистон»
телеканалда ilk
маротаба: «Сунги
самурай». Бадий
фильм. 2-кисм.
00.10-00.15 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Курсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
8.30 «Янги авлод»
студияси. Буш утирма.
8.55 Иқлим.
9.00 «Давр»-репортаж.
9.10 Саломатлик
сирлари.
9.30 Оханрабо.
10.10 Чил дастурхон.
10.30 Архосалтанат.
10.50 «Олис осмон».
Видеофильм.
11.45 «Ҳаёт давом
этади». Руфат Рискиев.
12.00 Ёшлик наволари.
12.10 «Ҳоҳил қирол ва
муҳаббат». Мульт-

фильм.
13.30 ТВ-анонс.
13.35 «Умр дафтари»
туркумидан: Абдулла
Орипов. Видеофильм.
3-4 кисмлар.
14.05 Аскар мактублари.
14.25 Ўзбекистон
Республикаси мустақил-
лигининг 13 йиллиги
олдидан «Замондош-
ларим». Видеофильм.
14.45 Дунё ажойиботла-
ри.
14.55 Украина киноси
хафталиги: «Бугдой-
зорлар оралаб».
Бадий фильм.
16.10 Ринг қироллари.
17.00 Курсатувлар
дастури.
17.05 «Янги авлод»
студияси: Катта
танаффус, Гўлгўнчалар.
17.40 «Хоталар ороли».
Мультфильм.
18.05 Спорт ҳафтанома-
си.
18.20 Оқшом.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 Маслаҳат.
19.55 Мусикий лаҳзалар.
20.05 Қўлгич.
20.10 «Заковат».
Интеллектуал уйин.
21.10, 22.30 Ёшлар.
21.15 «Тоғлар аро етти
йил». Бадий фильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ишида.
22.35 «Тоғлар аро етти
йил». Бадий фильм
(давоми)
0.00-0.05 Хайрли тун.
«Тошкент»

17.10 Курсатувлар
тартиби.
17.20 Болажонлар
экрани.
17.45 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
17.55 «Эртақларнинг

сеҳрли олами».
19.35 «Жаҳон геогра-
фияси».
20.05 «Шунақа гап-
лар». Ҳажвий курсатув.
20.20, 21.25 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
20.35 «Табриклимиз-
кутлаймиз».
21.00 «Дўстоналар».
21.40 Ўзбекистон
Республикаси Муста-
қиллигининг 13 йиллиги
олдидан «Эътиқод».
22.00 «ТВ плюс».
22.30 «Таваккал».
Телесериал. (яқунлов-
чи)
23.35-23.40. Хайрли тун,
шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 «Полон бўлмақ-
чиман».
9.10 Д. Криловнинг
«Йулда ёзилмаган
кайдарлари».
9.30 «Хамма уйдали-
гида».
10.10 «Болалар
спорти».
10.25 «Кувнок старт-
лар».
11.00 «Рақибингиз
гроссмейстер».
11.15 «Соғломлашти-
рувчи йоғ». Инглиз
тилида.
11.25 Профессионал
бокс тарихидан.
12.25-13.10 Футбол.
Ўзбекистон чемпиона-
ти. «Насаф» - «Кизил-
қум».
16.55 Курсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида)
17.15 «Бинафша».
17.30 Футбол. Ўзбеки-
стон чемпионати.
«Локомотив» -

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 майдаги «Давлат мулки айрим
объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига
бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги 209-сонли қарорига мувофиқ, паст
рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий
ночор давлат корхоналари, активлари ва паст
ликвидли объектларни инвестор томонидан
инвестиция мажбуриятларини қабул қилиниши
шарти билан бепул бериш бўйича Тошкент вилоят
худудий танлов комиссияси,
2004 йил 28 июнь куни ўтказилган танлов
натижасига кўра

1. Тошкент вилояти, Қорақалпоқ кишлоғи Ёшлик
кўрғонида жойлашган «Паркент ИКМК» ОАЖнинг Устав
жамғармасидаги 98,05 фоиз давлат активига тегишли
акциялар бўйича бир йил муддат ичида жами 600 000,0
минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти
билан инвесторга берилганлигини;
2. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Фуркат кўчаси, 24-
уйда жойлашган «Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг
эски биноси» давлат объекти бўйича, бир йил муддат
ичида жами 8 500,0 минг сўм миқдорида инвестиция
киритиш мажбурияти билан инвесторга берилганлигини;
3. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Навбахор кўрғонида
жойлашган «Булбулча» болалар боғчаси - давлат объекти
бўйича, бир йил муддат ичида жами 10 000,0 минг сўм
миқдорида инвестиция киритиши мажбурияти билан
инвесторга берилганлигини маълум қилади.</

Ёшлар ва жамият тараққиёти

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг ёзги халқаро лагери очилди.

Ёшлар — келажакимиз. Ватанимизнинг эртанги кунни айнан уларга боғлиқ. Шу боис йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, билимини янада чуқурлаштириш ва истеъдодини намоён этишига кўмаклашиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу

мақсадда бир неча йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа муассасалар ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг ёзги халқаро

лагери ташкил этилмоқда.

Унда тадбирлар 25 августга давом этади. Бу гал унинг дастури «Ёшлар ва жамиятнинг барқарор ривожланиши»га бағишланган. Лагерьда мамлакатимиз, Марказий Осиё давлатлари, Озарбойжон ва Афғонистондан 200 нафарга яқин иқтидорли йигит-қиз иштирок этаётир.

Дастур доирасида «Барқарор ривожланиш ва келгу-

си авлод», «Демократик жамият тамойиллари», «Шарқ ва Ғарб: цивилизациялар мулоқоти», «Жаҳон маданий ва табиий мероси» каби мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Шу билан бирга иқтисодиёт, ҳуқуқ каби соҳаларга алоқадор турли маърифий тадбирлар ҳам бўлиб ўтади. Лагерь қатнашчилари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, БМТнинг Марказий Осиёдаги махсус муассасалари фаолияти билан танишади.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Жамғармада брифинг

Хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Маҳалла кўни» тадбири доирасида брифинг бўлиб ўтди.

Унда республикаимизда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, бир қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ва маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.

Брифинг «Маҳалла» жамғармасининг ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳамда кенг қамровли ислохотлар жараёнида амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси масалаларига бағишланди.

Маҳалла нафақат халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва асрий урф-одатларининг қайта тикланиш рами, балки жамиятимиз ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги қатор муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишга даъват қилинган маҳаллий ҳокимият органи эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Камол ҒАЙРАТОВ.

Тадбиркорликни қўллаш даркор

Пойтахтдаги «Дедеман-Силк роад» меҳмонхонасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг «Пойтахт-Экспорт» экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш маркази томонидан «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда «Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқарувчилар учун берилган амалдаги имтиёзлар», «Маҳаллий хом ашё базасида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури», «Божхона қонунчилигидаги ўзгаришлар, импорт ва экспорт контрактларини рўйхатга олиш жараёни» каби бир қатор долзарб мавзулар муҳокама қилинди.

Журналистлар танлови

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбарларининг ОАВ ходимлари билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатининг асосий мавзуси ҳозирги кунда Халқ демократик партиясининг жамиятда тутган ўрни, партия ҳақида аҳоли қай даражада маълумотга эга эканлиги ва ОАВларида партия ишларининг ёритилиши ҳақида бўлди.

Айтиш мумкинки, асосий масала партия ҳаракатини журналистлар томонидан кенг ёритилиши, оммага етказилиши ва аҳолининг бу ҳақдаги билим даражасини ошириш борасида қилинаётган ишларга қаратилди. Жумладан, бу борада Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Олий Мажлис ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларга тайёргарлиги ва ўтказишни матбуотда ёритиш бўйича энг яхши материаллар учун танлов эълон қилинди.

Танловнинг мақсади, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясига ҳолисона ёндашиш, сайловолди жараёнларини тезкор ёритишда ОАВ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, турли қатламдаги гуруҳларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби масалалар бўйича тажрибаларни оммалаштириш ва тушултиришдан иборат. Иштирокчилар доираси эса мамлакатимиз ОАВлари вакиллари, журналистлардир.

Танловга 2004 йил 1 январдан 2005 йил 15 январгача матбуотда чиққан муаллифлик материаллари тақдим этилади.

Сардор МАДАТОВ,
«Туркистон-пресс».

«Московия»да меҳмонда

қисмини ўтказишди.

Қўллаб қизилган тадбирлар орасида, айниқса, миллий маданиятлар фестивали болаларда катта таассурот қолдирди. Унда вакилларимиз томонидан намоён этилган қўшиқ ва рақслар дастури олқишлар билан кутиб олинди.

Ватанга қайтиш арафасида ўзбекистонлик ўқувчилар мамлакатимизнинг Москвадаги элчихонасида меҳмон бўлишди, Россия пойтахтининг марказида қад ростлаб турган Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек ҳайкаллари пойига гуллар қўйишди.

«Жаҳон» АА.

Саломат бўлинг



Эл орасида шифокорларни шарафли касб эгалари, дея алқашади. Дарҳақиқат, инсон сихат-саломатлиги йўлида ҳамиша ўз вазифасида собит турган оқ либос эгалари ҳар қанча таҳсинга лойиқдирлар.

— Халқда дардни берганнинг ўзи шифосини ҳам беради деган гап бор, — дейди азим тоғлар бағридаги «Хумсон» сихатгоҳи даволловчи шифокори Барно Саъдуллаева, — Биз шифокорлар инсон саломатлигини тиклашда

воситачи эканлигимиздан, фахрланса арзийдиган касбимиз борлигидан доим ғурурланамиз. Касбимизга бўлган фидойилик, масъулият, изланувчанлик ва албатта, ширинсўзлик ҳар қандай беморни даволашда бирламчи омилдир.

СУРАТДА: «Хумсон» сихатгоҳи шифокори Барно Саъдуллаева навбатдаги муолажа пайтида.

Даврон АХМАД олган сурат.

Меҳрдан шифо топдим

«Ёзганларингизни газетада ўқиб бораман. Менинг ҳам айтмасам бўлмайдиган гапларим бор. Дил сўзларим газетада чиқса, деган ниятда сизни излаб келгандим...». Ўзини Оҳангарон туманининг Оқча қишлоғида яшовчи Камола Қаршиева деб таништирган аёл гапни ана шундан бошлади.

«Сизни безовта қилган бўлсам узр», деб эшик қоқиб келган Камоланинг тўлиб-тошиб ҳаяжон билан сўзлашларини эътибор билан тингладим. Гап шунда эдики, у кейинги йилларда Тошкент вилояти биринчи клиник шифохонасида «Бош миянинг ёпиқ жароҳати» ташхиси билан даволанади. Дастлаб, шифохона остонасига яқинлашиши билан энг аввало дори-дармон қабул қилиш, фақат соғайиб кетишни кутиш ва бир жойда зерикиб ётиш кунлари қачон ўта қолиши ҳақида ўйлай бошлади. Аммо бу даргоҳдаги шифокорларнинг муомала-ю муносабатлари дастлабки кундаёқ Камоланинг ўзича ўйлаган фикрини бутунлай ўзгартириб юборди.

— Дардим анча оғир эди, — таъкидлайди Камола. — Бироқ дори-дармонлардан ҳам бурун шифокорларнинг ширин сўзларидан, кўрсатган эътибор ва ғамхўрликларидан, меҳрдан, ҳа, меҳрдан шифо топдим. Муҳими, меҳрибон шифокорлар кўп экан.

«Меҳрибон шифокорлар» иборасини тилга олarkan, суҳбатдошимнинг чехраси янада ёришиб кетди. Оҳангарон туман марказий шифохонасининг бош шифокори А. Мирсидиков ҳамда З. Ҳамроева, З. Ҳайдарова каби қўли енгил, меҳрибон шифокорларнинг ҳам ҳар бири ҳақида мамнуният билан узок гапирди.

Ҳа, яхшилик ерда қолмайди. Яхшиларнинг меҳру муҳаббати оддий қишлоқ аёли Камола Қаршиеванинг кўнглида кетмас миннатдорчилик бўлиб қолаверади.

Кудрат ОДИНАЕВ.

Беписанд бўлманг

Ёз мавсумида енгил таомлар, чанқовбосди салқин ичимликлар, шарбатлар, мураббалар кунда истеъмол қилинади. Улар иссиқ мавсумда инсон танасидаги мўтадил шароитни

сақлашда ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, шифобахш витаминлар, аминокислоталар, ферментлар, микроунсурларга бой бўлган озуқалардир.

Лекин уларни тайёрлашда, сақлашда ёки ташишда маълум санитария ва шахсий гигиена тартиб-қоидаларига риоя этмаслик оқибатида, юқумли ўткир ичак касалликларига дучор бўлиш мумкин. Айниқса, улар орасида юқумли салмонеллез хасталиги асосий ўрин тутди. Чунки, у билан кўп ҳолларда болалар хасталанади.

Салмонеллез касаллиги дунёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, қўзғатувчиси микроб ҳисобланади. Уларнинг 2 мингдан ортиқ серологик турлари мавжуд, шулардан 10 таси инсон танасида кўпроқ касалликни келтириб чиқаради.

Салмонелла микроблари

ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлиб, хона чангида 80 кун, чорва чиқитларида 100 кундан — 4 йилгача яшashi мумкин. Очiq сув ҳавзаларида эса, 0°C ҳароратда 72 кун, 15°C ҳароратда — 28 кун, 37°C ҳароратда — 11 кунгача касаллик қақирувчи хусусиятларини сақлаб қолади. Айрим озиқ-овқат маҳсулотларига, хусусан тез айнувчи ва бузилувчи сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балик, кремли қандолат маҳсулотларига тушиб қолган ҳолларда, салмонеллалар кўпайиб, 1 ойдан 4 ойгача, паранда тухумларида эса, 30 кунгача сақланади.

Олимларнинг илмий тадқиқотларига кўра, салмонелла

микроблари 100°C ҳароратда ўлади, лекин 80°C совуқ ҳароратда ҳам 10-15 дақиқа ўз хусусиятларини йўқотмайди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, таркибида 7 фоиздан ортиқ ош тузи бўлган гўшт маҳсулотларида салмонелла микроблари кўпаймайди. Ушбу касаллик асосан баҳорги-ёзги ёки ёзги-кузги мавсумларда кўплай учрайди.

Салмонеллез касаллигига чалинганда, хасталикнинг яшарин даври 2-6 соатдан 2-3 кунгача чўзилиб, касаллик 4-12 соат давомида аста-секинлик билан ёки ўткир ривожланиши мумкин. Бунда беморда ҳолсизлик, дармонсизлик, лоҳаслик, кўнгил айнаши, қайт

қилиш, ич кетиш, қоринда оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, ошқозон-ичак йўлларида ҳазм қилиш фаолиятининг бузилиши натижасида тананинг сувсизланиши каби аломатлар юзага келади. Ушбу белгилар билан бир қаторда умумий заҳарланиш белгилари, тана ҳароратининг 38-39°C гача кўтарилиши, бош оғриғи, айланиш, қалтираш, мушакларда оғриқ, жумладан, бўғин, умуртқа поғонасида оғриқлар билан кечади. Хасталикка қарши даволаш муолажалари ўз вақтида олиб борилмаса, жигар, буйрак ҳамда юрак-қон томир тизимларининг қайтарилмас жароҳатларига олиб келади. Касаллик гумон қилинган тақдирда ёки уни бирламчи белгилари намоён бўлганда, зудлик билан малакали шифокорга муурожаат этиш лозим.

Абдурахмон ИСМОИЛОВ,

Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази вилоят бўлимининг овқатланиш гигиенаси бўлимаси мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

«SELNA» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишининг 1/2004-баённомаси

Тошкент вилояти

29 июнь 2004 йил

Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар сони: 2792 дона оддий, эгаси ёзилган нақдсиз кўринишдаги акциялар;

Жойлаштирилган акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар сони: 2 юридик ва 1 жисмоний шахс;

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорлар сони: 2 юридик ва 1 жисмоний шахс (100%)

КАТНАШДИЛАР:

1. **Сами Вурал Абдурахман** «ASEL IC VE TICARET LIMITED» фирмаси вакили; 1425 дона акция ёки устав жамғармасининг 51,04%;
2. **Йилмаз Мехмет** Туркия Республикаси фуқароси; 1292 дона акция ёки устав жамғармасининг 46,28%;
3. **Ш. Мирбабаев** «NASHER» фирмаси раҳбари; 75 дона акция ёки устав жамғармасининг 2,68%.

ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛАР:

Петаева Е.Г. Корхонанинг бош муҳосиби

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият раҳбарининг жамият 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. 2003 йил молиявий-хўжалик фаолият якунлари бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. Бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
4. Фойда ва зарарни тақсимлаш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари номзодини тасдиқлаш.
6. Жамият тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
7. Жамиятнинг 2004 йил учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва уни рағбатлантириш ҳажмини белгилаш.
8. Жамиятнинг 2004 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий мажлисини Ш. Мирбабаев очди ва умумий йиғилишда 3 акциядор (ёки акциядор вакили) 2792 дона овоз берувчи акциялар билан қатнашаётганлигини ҳамда бу умумий овоз берувчи акциядорларнинг 100 фоизини ташкил этишини, бу эса умумий йиғилишни очиш учун кворум йиғилганлигидан далолат беришини айтди.

Ш. Мирбабаев йиғилиш ўтказиш учун унинг президиумини сайлаш, мажлис раиси ва котибини белгилаш лозимлиги ҳақида гапириб, президиум аъзолари таркибига жамият акциядорлари Йилмаз Мехмет, Сами Вурал ва Ш. Мирбабаевни сайлаш таклифини киритди.

Умумий йиғилиш президиуми аъзолари таркиби Йилмаз Мехмет, Сами Вурал (йиғилиш раиси), Ш. Мирбабаев (йиғилиш котиби) таркибига бир овоздан сайланди.

Шунингдек, Сами Вурал Абдурахман сўзга чиқиб, кун тартибдаги ҳар бир масала бўйича асосий маърузалар 10 дақиқадан, қўшимча маърузалар 5 дақиқадан ошмаслиги, йиғилиш қатнашчиларининг сони 3 кишидан иборатлигини ҳамда кун тартибдаги масалаларга очик овоз бериш таклифини киритди. Саноқ комиссияси вазифаларини йиғилиш раиси ва котиби зиммасига юклаш таклифи ҳам киритилди.

Умумий йиғилиш кун тартиби йиғилиш раиси томонидан ўқиб эшиттирилди ва уни тасдиқлаш таклиф этилди.

Юқорида кўрсатилган масалалар биргаликда овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланди.

ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА СЎЗГА ЧИКДИЛАР:

Кун тартибдаги биринчи масала юзасидан корхона бош директори Сами Вурал Абдурахман сўзга чиқиб, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг 2003 йил учун тайёрланган ҳисоботи билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг корхона бош директорининг корхонанинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти борасидаги ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибдаги иккинчи масала юзасидан корхона бош бухгалтери Петаева Е. Г. сўзга чиқиб, жамият аудитори «PROKAR EXPERT AUDIT» масъулияти чекланган жамияти билан жамият ўртасида тузилган ўзаро шартномага асосан мазкур аудиторлик ташкилоти аудитори жамиятнинг 2003 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳисобот тайёрлаганлигини айтди ва жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тайёрланган аудиторлик хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг жамиятнинг 2003 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тайёрланган жамият аудиторининг хулосасини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибдаги учинчи масала юзасидан корхона бош муҳосиби сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини корхона бухгалтерлик баланси ва ундаги кўрсаткичлар билан бирма-бир таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг корхонанинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти борасидаги бухгалтерлик балансини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибдаги тўртинчи масала юзасидан жамият раҳбари Сами Вурал Абдурахман сўзга чиқиб, жамият 2003 йилги фаолияти давомида бир қатор ютуқларга эришилгани ва жамият 82,8 минг сўм соф фойда билан йилни якунлагани тўғрисида гапирди. Ушбу фойдани жамият ишлаб чиқаришини

ривожлантириш мақсадида жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф қилди.

Кун тартибдаги бешинчи масала юзасидан Йилмаз Мехмет сўзга чиқиб, корхона бош директорининг фаолиятини қониқарли деб топиш, мақсадга мувофиқ бўлишини айтди ва мажлис иштирокчиларига корхона бош директори Сами Вурал Абдурахман билан меҳнат шартномасини навбатдаги муддатга узайтириш таклифини киритди.

Кун тартибдаги олтинчи масала юзасидан мажлис раиси Сами Вурал Абдурахман сўзга чиқиб, жамиятда кузатув кенгашининг ваколатлари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши зиммасига юклатилганлигини эслаиб ўтар экан, шунингдек, амалдаги қонунчиликка асосланган ҳолда, умумий йиғилиш томонидан жамиятга танланадиган аудиторлик ташкилоти зиммасига тафтиш комиссияси ваколатларини юклаш таклифини киритди.

Кун тартибдаги еттинчи масала юзасидан корхона раҳбари Сами Вурал Абдурахман сўзга чиқиб, жамиятга 2004 йил учун аудитор сифатида «PROKAR EXPERT AUDIT» масъулияти чекланган жамияти аудиторлик ташкилоти агентлигини тайинлаш таклифини киритди. (2001 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 221-лицензияга эга).

Шунингдек, ушбу масала юзасидан Ш. Мирбабаев сўзга чиқиб, жамият аудиторини рағбатлантириш миқдори ва тартибини корхона билан ўзаро тузиладиган шартномада белгилашни корхона ижроия органи зиммасига юклашни таклиф этди.

Кун тартибдаги саккизинчи масала юзасидан жамиятнинг бош директори Сами Вурал Абдурахман сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2004 йилда олиб борадиган молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ўзи тайёрлаган бизнес-режаси билан таништирди. Қилинган муҳокамалардан сўнг корхона бош директорининг 2004 йил учун тайёрлаган бизнес-режасини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси ва киритилган таклифлар асосида умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛДИ:

1-масала бўйича:

Жамият директорининг 2003 йил учун ҳисоботи иноватга олинсин ва жамиятнинг фаолияти қониқарли деб баҳолансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 48,96%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – 51,04%.

2-масала бўйича:

Жамият аудиторининг жамиятнинг 2003 йилга молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тақдим этилган ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – йўқ.

3-масала бўйича:

Жамиятнинг 2003 йилги бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – йўқ.

4-масала бўйича:

Жамиятнинг 2003 йилдаги фаолияти давомида 82,8 минг сўм соф фойда билан чиққанлиги иноватга олинсин ва ушбу фойда жамият ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида жамият ихтиёрида қолдирилсин.

Жамият ижроия органи мазкур пул маблағларидан мақсадли фойдаланганлиги юзасидан акциядорларга ҳисобот бериши белгилаб қўйилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – йўқ.

5-масала бўйича:

Корхона бош директори Сами Вурал Абдурахманнинг корхонадаги меҳнат фаолияти қониқарли деб топилиб, Сами Вурал Абдурахман билан тузилган меҳнат шартномаси навбатдаги муддатга узайтирилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 48,96%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – 51,04%.

6-масала бўйича:

Жамият акциядорлари томонидан жамият тафтиш комиссияси ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини жамият аудиторига юклаш тўғрисидаги таклифлари иноватга олинсин.

Жамиятга 2004 йил учун тайинланадиган аудиторлик ташкилоти зиммасига тафтиш комиссияси ваколатлари юклатилсин ва аудитор билан тузиладиган шартномада мазкур масала иноватга олинсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – йўқ.

7-масала бўйича:

Жамият 2004 йил учун аудитор сифатида «PROKAR EXPERT AUDIT» масъулияти чекланган жамияти аудиторлик ташкилоти агентлигини тайинлаш тасдиқлансин. (2001 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 221-лицензияга эга).

Жамият аудиторини рағбатлантириш миқдори ва тартиби корхона билан ўзаро тузиладиган шартномада белгилаш корхона ижроия органи зиммасига юклатилсин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – йўқ.

8-масала бўйича:

Жамият бош директорининг 2004 йил учун тайёрлаган бизнес-режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 48,96%; «Қаршилар» – йўқ; «Бетарафлар» – 51,04%.

Йиғилиш раиси
Йиғилиш котиби

Сами Вурал Абдурахман
Ш. Мирбабаев.

● Саҳифа меҳмони

Ҳар бир инсонга табиат яхши бир хислат ато этар экан. Кимгадир сўзда, кимгадир созда. Алишерга эса, жозибали овоз берган. Унинг гоҳ шўх, гоҳ сокин, гоҳ ҳазин хонишлари тингловчи қалбини бир зумдаёқ ўзига ром этиб қўяди.

— Мен Юнус Ражабий номли санъат билим юртида ўқийман. Афишалардан хабар топиб, шу кўрикда қатнашишни ният қилдим. Илоҳи бормикан?

Шунда бўлим бошлиғи, санъатшунос Аҳмаджон Раҳимов «Алишержон укам, нимага бўлмас экан, бу танловлар сен каби ёшлар учун уюштириляпти-ку. Сизлар учун «Ўзбекнаво»нинг эшиклари ҳамиша очик, — дедилар ва менга қараб, — Асроржон, бу йигитнинг ҳужжатларини дарҳол расмийлаштиринг, танловнинг барча шартлари билан таништиринг, вақт оз қолди.

Орадан кўп ўтмай, республикада «Азиз она юртим наволари» номли кўрик-танлови бўлиб ўтди. Муҳташам «Туркистон» саройида бўлган бу танлов кўплаб ёш истеъдодлар қатори уни ҳам кашф этди.

Алишерда санъатга қизиқиш ёшлик чоғларидан уйғонган. Буни ўзроқ суҳбатларда кўп таъкидлайди.

— Уйимизда турли чолғу асбоблари бўларди. Чунки отам Ғанижон Рузметов ҳам санъаткорлар, — сўз бошлади Алишер. — Билим юртида гижжак йўналиши бўйича таҳсил олдим. Миллий чолғу асбобларнинг деярли барчасини чала оламан. Секин-аста кўшиқчиликда ҳам ўзимни синаб кўрдим. 1996 йилдан бошлаб кўшиқ айтиб келаман.

— Алишер, шу ўринда устозларингиз ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтсангиз.

— Устозларим Ғаттоҳхон Мамадалиев, Турғун Алиматов, Ориф Алимаҳсумов, Ориф Отажонов ва яна кўплаб буюк санъаткорлар биз ёшлар учун ҳамиша ўрнак. Уларга интилиб яшасак, ижод қилсак ҳаётда ўз

2002 йил «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг республикада ўтадиган фестивал ва кўрик-танловлар бўлимида ишлар эдим. Хонага истараси иссиққина бир йигит тортинибгина кириб келди. У ўзини Алишер Рузметов деб таништириб, дарҳол мақсадга ўтди.

Юракдан куйласам дейман

ўрнимизни топа оламан, деб ўйлайман. Санъаткор бўлиш, эл хизматида юриш, юртнинг эътиборини қозониш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун тинимсиз изланиш лозим. Сўнгги беш-олти йил мобайнида устозлар ўғитига амал қилиб, ўз овозим, ўз услубим устида ишладим.

Тингловчи жуда талабчан, чуқур мушоҳадали. Унга бўлар-бўлмас кўшиқлар, хатти-ҳаракатлар, такрорий сўзлардан тузилган клиплар ёқмайди. Бу борада устозлар маслаҳати ва уларнинг тажрибасига суянмоқ фойдалидир.

— Сўзингизни тингладиму сиз айтган ўша беўхшов хатти-ҳаракатлар хусусида савол бериш фикри туғилди. Сизда бу жиҳат бошқачароқ. Саҳнада эмас, албатта, тўйларда, тадбирларда, учрашувларда кузатдим, кўшиқ билан, унинг оҳанги билан бирга сузасиз. Бу менинггина фикрим эмас, кўпчилик ҳам шу ҳақда гапирди.

— Кўшиқни аввало юракдан айтиш керак. Юракдан айтилган кўшиқ бевосита сизни шу оҳанг оғушига олиб киради. Ўз-ўзидан бу ўша мухлис

кузатиб келган ҳаракатларни юзага келтиради. Нима бўлганда ҳам сунъийликдан қочиш керак.

— Алишер, ҳозирги саволим сизга қандай таъсир қиларкан, билмадим. Унвон, мукофотларга муносабатингиз қандай?

— Сиз яратган кўшиқлар халқ назаридан тушмаяптими, буни нима биландир тақдирлаш керак. Сизга ўша унвонларни лозим топишмадими, демак, ҳали яна ишлаш керак, изланиш керак, эл назаридан четда қолмаслик керак.

— Бевосита ижодий ҳамкорлик ҳақида нима дея оласиз?

— Кўпроқ Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф каби севимли шоирларнинг шеърларига мурожаат этаман. Муסיқасини кўпинча ўзим басталайман, кейин устозим Улугбек Отажоновдан маслаҳат оламан.

Кўрик-танловда илк бор ижро этган Эркин Воҳидовнинг «Севги шундай навбахорки» кўшигини, Фузулий ғазали билан «Курбон ўлай», Уйғун шеърига басталанган «Уйнасин» каби кўшиқларни севиб ижро этаман.

— Чет эллар, хусусан, Франция, Германия, Бельгия сафарларида бўлган хушовоз хонанда сифатида ижодий режаларингиз қандай?

— Режалар катта, албатта. Таъбир жоиз бўлса, ёш юракда олам-олам орзу ниятлар ҳамиша жўш уриб туради. Айниқса, санъат оламига кирган, шу йўлни ўзига қисмат деб билган инсоннинг орзуси юксак бўлади. Мен ҳам юракдан куйлаб, ўзбек кўшиқчилиги санъатига, унинг ривожига оз бўлсада, ўз хиссамни қўшсам дейман. Айни пайтда янги кўшиқлар устида ижод қилаяпман. Янги аудиокассетам тез кунларда мухлисларимга етиб боради. Илк альбомим «Устоз-шоғирд» деб номланган. Унда сараланган олти кўшиғим бор. Шунингдек, эстрада йўналишидаги кўшиқлар билан бирга мумтоз ашуларлардан ҳам намуналар ўрин олган. Яна мухлисларимга яқин концерт дастуримни туҳфа қилиш, хориж сафарларига чиқиш, санъатсевар халқим хизматида бўлиш...

Суҳбатдош
Асрор СУЛАЙМОНОВ.

● Танлов

Наволарда сурнай сеҳри

Халқимизнинг ўлмас санъати — сурнайчиликнинг асл моҳиятини кўрсатиб бериш ва келажакда сурнайчиларни ҳақиқий санъаткорлар қаторига киритиш муҳим аҳамиятга эга. Умуман, ҳозирги кунда ушбу серкирра ижод турини кенг тарғиб қилиш мавриди келганлиги боис, республика «Олтин мерос» жамғармаси ушбу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, жамғарманинг вилоят бўлими шу йилнинг июль ойида ҳаваскор сурнайчилар ўртасида вилоят кўригини ўтказган эди. Унда олий соврин Тошкент туманидаги ижодкор Қахрамон Қосимовнинг «Қахрамон» гуруҳига насиб этиб, улар танловнинг республика босқичига йўлланма олганди. Яқинда, пойтахтдаги Ғафур Ғулом номли миллий истироҳат боғида «Сурнай навоси» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда саккиз вилоятдан ҳаваскорлар иштирок этиб, ўзларининг ижрочилик маҳоратларини намойиш этишди.

Танловда биринчи ўрин Тошкент шаҳри, иккинчи ўрин вилоятимиз вакиллари — «Қахрамон» гуруҳи аъзоларига насиб этди. Хоразмлик ҳаваскорлар бош гран прига эга бўлишди.

Якуний босқич ғолиблари ва иштирокчиларига ташкилотчилар — республика Маданият вазирлиги, халқаро «Олтин мерос», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари топширилди.

Саид ҲАСАНОВ.

● Bolalik bog'i

Topishmoqlar

Quyov emas,
Uzun quloq.
Ot emas,
To'rtta tuyoq. (Eshak).

Chorva ichida shayton,
Soqoli uzun — sulton. (Taka).

Uyday joyni oladi,
Asli sichqondan qo'rqadi. (Fit).

Yo'l-yo'l to'ni bor,
Odam qo'rqar turqi bor. (Yo'lbars).

● Футбол

«Пахтакор» — «Нефтчи» 1:0

Футбол бўйича республика кубоги чорак финал учрашувларида «Пахтакор», «Нефтчи», «Трактор», «Машъал» жамоалари зафар қучиб, ярим финалга йўлланмани кўлга киритган эдилар.

Қуръа натижасига кўра, «Пахтакор» — «Нефтчи» ва «Машъал» — «Трактор» жамоалари икки жуфтликни ташкил этдилар. Тошкент ва Муборак шаҳарларида биринчи ярим финал учрашувлари ўтказилди. «Пахтакор» марказий ўйингоҳида майдон эгалари билан «Нефтчи» жамоаси баҳслашди. 32-дақиқада Алексей Николаев меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очиш-

га эришди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади. Жамоаларнинг жавоб учрашуви 2 сентябрь куни Фарғонада бўлиб ўтади.

Муборакда «Машъал» ва Тошкентнинг «Трактор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган иккинчи ярим финал учрашувида 3:2 ҳисоби қайд этилди. Бу жамоаларнинг жавоб учрашуви ҳам 2 сентябрга белгиланган. Финал учрашуви 1 октябрда бўлади.

Терма жамоамиз 51-ўринда

ФИФАнинг июль ойидаги рейтинги бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатидаги муваффақиятли иштирокидан сўнг 29 поғона юқорига кўтарилди. Ўзбекистон термаси биринчи бор бундай юқори ўринни забт этишидир.

Талъат ЮСУПОВ.

● Бекажон

Бодомли ва майизли пирог

Масалликлар: 140 гр. ун, 70 гр. шакар, 100 гр. сариеғ, 1 дона тухумнинг оқи керак бўлади.

Пирогнинг орасига солиш учун 40 гр. сариеғ, 140 гр. шакар, 7 дона тухум, 100 гр. бодом мағизи, 70 гр. майиз, ванилин, повидло зарур.

Юқорида кўрсатилган маҳсулотлардан ўртача юмшоқликда хамир қориб, ёғ суркаб, ун сепилган катта духовка патнисига қўйилади. Хамирнинг устига повидло суртиб, орасига масаллик солинади. Бунинг учун ушбу масалликка идишда сариеғни эзиб, шакар, 7 дона тухум сариғи, бодом мағизи, майиз, ванилин ва кўпиртирилган 7 дона тухумнинг оқи қўшиб аралаштирилади.

Ойшахон ЗОКИРОВА тайёрлади.

Қулганга
Нима
Етсин!

— Эшитдингми, Монакода футбол ўйнашни тақиқлаб қўйишибди.
— Нега? Нима учун?
— Копток дам Италия, дам Францияга учиб кетаверганидан ташвишга тушиб қолишибди чоғи.



Тошкент
Вилояти

14 август

Кечаси +16...+21
Кундузи +31...+36

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШАХИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарияди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.